

ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ВЕНТРАЛ ЧУРРА АЛЛОПЛАСТИКАСИ

Д.Н. КАМИЛОВА¹, А.С. БАБАЖАНОВ², А.С. ТОИРОВ², Ғ.К. АХМЕДОВ², А.И. АХМЕДОВ²

1 - Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент

2 - Самарқанд Давлат медицина институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд

АЛЛОПЛАСТИКА ПРИ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ ВЕНТРАЛЬНЫХ ГРЫЖАХ

Д.Н. КАМИЛОВА¹, А.С. БАБАЖАНОВ², А.С. ТОИРОВ², Ғ.К. АХМЕДОВ², А.И. АХМЕДОВ²

1 - Ташкентский педиатрический медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Ташкент

2 - Самаркандский Государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ALLOPLASTICS IN POSTOPERATIVE VENTRAL HERBS

D.N. KAMILOVA¹, A.S. BABAJANOV², A.S. TOIROV², G.K. AHMEDOV², A.I. AHMEDOV²

1 - Tashkent Pediatric Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Tashkent

2 - Samarkand State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand

Мазкур мақола текширув асосида 2013-2016 йилларда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг торако - абдоминал хирургия бўлимида операциядан кейинги катта вентрал чурралар билан даволанган 68 та беморларда кузатилган. Шулардан 44 тасида қорин олдинги девори операциядан кейинги катта чурралар «onlay» усулида аллопластика қилинган ва 24 та беморда қорин олдинги деворининг катта ва гигант чурралари «sublay» усулида аллопластика қилинган. Иккала гуруҳдаги ўтказилган операцияларнинг натижаларини таққослаш учун қуйидаги кўрсаткичларга эътибор берилди: операциядан кейинги даврда турли асоратларнинг учраши, рецидивнинг кузатилиши, беморларда операциядан кейинги реабилитация даврининг қисқариши. Кузатилган натижалар шуни кўрсатдики «sublay» усулида бажарилган пластикадан кейинги асоратлар серомалар ҳосил бўлиши кам учради. Бундан ташқари умуман рецидив кузатилмади. Шунинг учун «onlay» усулидан «sublay» усулида аллопластика қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Калит сўзлар: Аллопластика, вентрал чурралар.

In the Samarkand city medical association in the department of thoraco-abdominal surgery in 2013-2016, 68 patients were hospitalized for postoperative ventral hernia. Of them, alloplasty was performed in 44 patients on the anterior abdominal wall by the "onlay" method, and the remaining 24 patients underwent alloplasty of the anterior Of the abdominal wall by the method of "sublay", about large and giant hernias. Among these alloplastics, the following complications were observed using the "onlay" method: recurrence of hernias, accumulation of subcutaneous seromy. In alloplasty by the method of "s Ublay "these complications were not observed, and the postoperative rehabilitation period was reduced. The obtained results show that, according to the" sublay "method, alloplasty is considered to be the most effective method for large and giant hernias.

Key words: Alloplasty, Ventral hernia.

Қорин бўшлиғи аъзолари операциясидан кейинги кўп учрайдиган асоратлардан бири вентрал чурралар ҳисобланади. Хирургияда полипропилен протезларнинг кириб келиши катта ва гигант вентрал чурралар, ҳамда рецидив чурраларни пластика қилишда асосий усуллардан бири бўлиб қолди. Шунга қарамадан аллопластиканинг оптимал усулини танлаш кўпгина мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Ишнинг мақсади: операциядан кейинги катта ва гигант вентрал чурраларда аллопластиканинг «onlay» ва «sublay» усулларини таққослаш.

Текшириш усули ва материали: Катта ва гигант вентрал чурраси бўлган 68 та беморнинг аллопластика қилингандан кейинги натижалари ўрганилди. Катта чурра деб қорин олдинги деворининг битта анатомик соҳасини чурра

эгаллаганлиги тушунилади. Агарда чурра иккита ва ундан ортиқ анатомик соҳани эгаллаган, ҳамда қоринда деформацияси бўлса ва беморнинг юришига халал берадиган бундай чурраларни гигант чурралар деб баҳоладик. Катта чурралар 47(69,1%) , гигант чурралар 21(30,8%) ни ташкил қилди. Аллопластика икки хил усулда олиб борилди.

1). «onlay» – тери ости ёғ қавати ва апоневроз ўртасида,- 44(64,7%) беморда, 2) «sublay» – қориннинг туғри мушагининг қинига – 24(35,2%) беморга бажарилган.

Операция умумий оғриқсизлантириш остида, қон кетишини олди олиниши учун гемостаз электрокоагулятор ёрдамида бажарилди. Барча операциялар тери ости соҳасини “Редон ” усулида дренажлаш билан яқунланди ва доимий УТТ ёрдамида ҳолати текшириб турилди.



1-Расм. Операциядан олдинги ҳолат

Беморларнинг ҳаёт тарзи операциядан бир йил ўтгандан сўнг баҳоланди. Бунинг учун беморлар махсус таёрланган сўровномалар орқали компьютерга киритилиб борилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Операциядан кейинги асоратлар 21 та беморда (30,8%), кузатилди шундан серома 11(16,1%), гематомалар 2 (2,9%), жароҳат инфекциялари 3 (4,4%) ва тери қирғоқларининг некрози 3 (4,4%) беморда кузатилди. Серома асосан «onlay» усулида бажарилган пластикадан кейин учради.

«Sublay» усулида, яъни мушаклар орасига қўйилган протез ва дренажлар орқали доимий равишда ажралмалар эвакуация қилиниб туриши натижасида серома ҳосил бўлиши кузатилмади.

Дренежлар ҳолати ва ажралмалар тўпланишини УТТ ёрдамида назорат қилиб турилди.

Жароҳат инфекцияси 3 та беморда кузатилди ва инфильтрация фазасида тузатилди, битта беморда жароҳатнинг йиринглаши кузатилди ва аллотрансплантант олинмасдан йирингли хирургия қоидаларига риоя қилган ҳолда даволанди. Икки нафар беморда операциядан кейинги биринчи суткада жароҳат соҳасида гематома аниқланди ва бир марта пункция қилиб олингандан кейин тузалди. Жароҳат қирғоғининг некрози 3 та беморда кузатилди ва бу терининг некрозланган қисмини кесиб олиб иккиламчи чоклар қуйилди.



2-расм. Операция вақтида қон-томирлар электрокоагуляцияси

Аллопластика операциясидан кейинги жароҳатдаги асоратлар

Асоратлар	Onlay	«sublay»
Серома	11 (16,9%)	-
Гематома	2 (2,9%)	1
Жароҳат инфекцияси	3 (4,4%)	1
Тери қирғоғининг некрози	3 (4,4%)	1
Жами	18	3

Икки нафар беморда «onlay» усулида пластика операциясидан кейин пневмония ривожланиши ва консерватив усулда даволанди.

Беморлар кузатуви 1 йилдан 3 йилгача бўлди. Аллопластика бўлган беморларни назорат қилишга текшириш учун чақирилганда 68 та бемордан 56 таси келди. Кузатувда бўлган беморлар шикоятлари сўралгандан сўнг операция бўлган соҳаси УТТ текширувидан ўтказилди. Адабиётларда кўрсатилишича операциядан кейинги вентрал чурраларнинг қайталаниши (рецидив) 18-54% ни ташкил қилган. Чурраларда аллопластика усули қўлланиши натижасида бу кўрсаткич 10% гача камайди.

Бизнинг кузатувимизда бўлган беморларнинг 5 (10%) да рецидив кузатилди. Бунинг ҳаммаси «onlay» усулида пластика қилинган беморларда кузатилди. «sublay» усулида пластика қилинган беморларда рецидив кузатилмади. Кузатилган рецидив чурралар операциядан кейинги икки йилда аниқланди. Ундан кейинги даврда рецидив чурра аниқланмади. Барча рецидив чурра кузатилган беморлар қайта операция қилинди ва ревизия қилинганда 2та беморда аллотрансплантантнинг юқори қирғоғидан ва 3 та беморда аллотрансплантантнинг пастки қирғоғидан чурра чиққанлиги аниқланди. Барча ҳолларда қўшимча аллотрансплантант қуйиш билан операция тугатилди.

Хулоса: 1. Семизлик II – III даражаси бўлган беморларда «onlay» усулида бажарилган аллопластикадан кейин асоратларнинг учраши 18%ни ташкил қилди. 2. Семизлик II – III даражаси бўлган беморларда «sublay» усулида бажарилган аллопластикадан кейин асоратларнинг учраши 3% ни ташкил қилди. 3. «Sublay» усулида бажарилган аллопластикадан кейин асоратлар кам бўлганлиги учун, вазни юқори бўлган беморларда шу усулни қўллаш тавсия этилади.

Адабиётлар:

1. Адамян А.А., Гогия Б.Ш., Величенко Р.Э. «Ошибки и осложнения после хирургической коррекции деформаций передней брюшной стенки» //Анналы пластической, реконструктивной и эстетической хирургии. - 2004. - № 1. – С. 14-20.
2. Калиш Ю.И., Аметов Л.З., Рузиматов М.Х., Шаюсупов А.Р. «Ближайшие результаты лечения

больных с «трудными» послеоперационными грыжами» // «Хирургия Узбекистана». 2012. №3., с.29-30.

3. Жебровский В.В. «Атлас операций при грыжах живота» / В.В. Жебровский, Ф.Н. Ильченко.- Симферополь, 2004.

4. Цешковский, М.В. Алгоритм выбора протезирующей герниопластики у больных с послеоперационными грыжами [Текст] / М.В. Цешковский // Герниология. - 2008. - № 3. - С. 42.Чистяков А.А. «Хирургическое лечение послеоперационных грыж» // А.А. Чистяков, Д.Ю. Богданов.- М.: Мед. информ. агентство, 2005. – 104 с.

АЛЛОПЛАСТИКА ПРИ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ ВЕНТРАЛЬНЫХ ГРЫЖАХ

Д.Н. КАМИЛОВА¹, А.С. БАБАЖАНОВ²,
А.С. ТОИРОВ², Ғ.К. АХМЕДОВ²,
А.И. АХМЕДОВ²

1 - Ташкентский педиатрический медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Ташкент

2 - Самаркандский Государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Самарканд

В Самаркандском городском медицинском объединении в отделении торако-абдоминальной хирургии в 2013-2016 годах по поводу послеоперационных вентральных грыж госпитализировано 68 больных. Из них, у 44 больных проводили аллопластику на передней брюшной стенке по методу «onlay», а остальным 24 больным произведена аллопластика передней брюшной стенки по методу «sublay», по поводу больших и гигантских грыж. Среди этих аллопластик, по методу «onlay» встречались нижеследующие осложнения: рецидив грыж, накопление подкожной серомы. При аллопластики по методу «sublay» эти осложнения не наблюдались, и послеоперационный реабилитационный период сократился. Полученные результаты показывают, что по методу «sublay» аллопластики считается наиболее эффективным способом при больших и гигантских грыжах.

Ключевые

слова: Аллопластика,

Вентральные грыжи.